

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ АСАМИДДИН АНОРБОЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рахимов Асамиддин Анорбоевич**

Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг  
инновацион технологиялари ..... 3

**Рахимов Асамиддин Анарбаевич**

Инновационные технологии подготовки будущих учителей к духовно-  
просветительской деятельности ..... 23

**Raximov Asamiddin Anorboyevich**

Innovative technologies of preparation of future teachers to the spiritual and  
educational activities ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ АСАМИДДИН АНОРБОЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.4.Phd/Ped1171 раками билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Олимов Ширинбой Шарофович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳасанова Кибриё Ҳасановна**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «2» ноябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-17-14, e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (71 раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» ноябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «19» ноябрь даги 18 рақамли реестр баённомаси).



**Х.Н.Ибраимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё амалиётида турли миллатлар ва халқларнинг асрлар давомида шаклланган ўзига хос миллий маънавияти ҳамда фазилатларидан мамлакатни ривожлантиришда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан илғор олий таълим муассасалари томонидан маънавий кадриятларнинг жамият ҳаётига таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқув мазмунига тарихий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини, бой маданий меърос ва анъаналарни сингдирилиши педагоглар тайёрлаш жараёнлари натижадорлигини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида қабул қилинган.

Жаҳонда таълим жараёнини тубдан ўзгартириш ва ривожлантиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш долзарблигича қолмоқда. Хусусан, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашни такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигига йўналтирилган илғор педагогик ёндашувлар ва технологияларга оид тадқиқотлар Princeton University (АҚШ), Manchesters University (Англия), National Advice on Pedagogical Technology (Англия), Belfield Pedagogical University (Германия), Таълим технологиялари инновацион ахборот-методик маркази (Россия) ва Seoul Cyber University (Жанубий Корея) каби нуфузли илмий тадқиқот таълим марказларида олиб борилмоқда ва салмоқли амалий натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш ва таълим сифатини яхшилаш, бунда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини инобатга олиш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион йўналтириш, сифатли таълимга йўналтирилган мотивациясини фаоллаштириш имкониятлари кенгайтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу борада олий таълим тизимида маънавий-маърифий фаолиятнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг инновацион технологияларини аниқлаштириш, маънавий-маърифий фаолият жараёни учун ахборот-методик таъминотни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари туплами, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон, 1-модда.

4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3907-сон, 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4307-сон, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4623-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Демократик ва ҳуқуқий жамятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муस्ताкиллик йилларида ушбу муаммога бағишланган бир қатор илмий – тадқиқот ишлари амалга оширилди. Файласуф ва социолог олимлардан С.Шермухамедов, Н.Комилов, М.Имомназаров, Қ.Назаров, Ж.Туленов, А.Бегматов, М.Бекмуродов, И.Каримов, А.Умаров, Н.Жўраев, Т.Маҳмудов, Э.Юсупов ва бошқалар инсон камолотининг маънавий асослари, миллий ғоя ва мафкура, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий менталитет, миллат шаъни, ахлоқ, мустақиллик ва маънавият каби масалаларни атрофлича тадқиқ қилганлар. Маърифатпарварлар И.Гаспиринский, М.Бехбудий, С.Ализода, А.Авлоний, И.Ибрат, А.Шақурий, А.Фитрат ва бошқаларнинг таълим тарбиявий ғоялари таълим тизмида амалга ошириладиган маънавий-маърифий фаолиятнинг мазмунини такомиллаштиришга асос бўлади. Тарбиявий ишларнинг илмий-назарий ва методик асослари мамлакатимиз педагог олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Хусусан шахс маънавий-ахлоқий маданияти ва уни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари О.Мусурмонова, ёшларни маънавий тарбиялашда оила ва миллий қадриятларни аҳамияти М.Иномова, уйғониш даври, Шарқ алломалари ижодида комил инсон тарбияси масаласи С.Нишонова, юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданият ва уни тарбиялаш У. Махкамов, ўқитувчи одоби М.Очиловларнинг тадқиқотларида ёритилган. Республикамизда педагогика соҳасида амалга оширилган илмий ишларда олий таълим муассасалари ишларининг турли қирралари Р.Мавлонова, О.Хасанбоева, В.А.Сластенин, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Ходжабоев, Н.В.Кузмина, Ю.К.Васильев, Н.Ш.Шодиев, Х.И.Ибрагимов, А.Чориев, М.Ҳ.Маҳмудов, И.Валихўжаева, П.Юсупова, О.Жамолиддинова, Г.Қосимова,

Р.Сафарова, А.Бекмуродов, М.Хайдаров, Б.Ҳ.Ўразов, Х.Назарова ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Бироқ шу пайтгача олий таълимда маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлаш яхлит илмий иш сифатида етарлича ўрганилмаган.

Юқорида қайт этиб ўтилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, маънавий-маърифий фаолиятни шакллантириш, миллий маънавий муҳитни яратиш ва мустаҳкамлаш жамиятнинг маънавий соғлом турмуш тарзини таъминлаш, таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган маънавий-маърифий фаолиятларни кучайтириш лозимлигини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз тадқиқот ишимизни «Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион технологиялари» мавзусини долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишимиз учун асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг “Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари” банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини аниқлаштириш асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим тизимида маънавий-маърифий фаолиятнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш ҳамда унинг методик тизими моделини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёрлаш сифатини таъминлаш, маънавий-маърифий фаолиятнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолиятнинг методологик тамойиллари ҳамда самарадорлигини аниқлаш;

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолият жараёнини самарали ташкил этишда бўлажак ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасини оширишнинг ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд давлат университетлари, Бухоро давлат университети ва Жиззах давлат педагогика институтининг 538 нафар талабалари жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларида инновацион технологиялар асосида маънавий-маърифий фаолиятни ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида мавзуга оид фалсафий, педагогик, психологик манбалар, педагогик кузатиш, ижтимоий сўров, мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари ва ўқув дастурларини

ўрганиш, илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш, тарбиячи ва тарбияланувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, педагогик прогностика ва ташхислаш, педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларга математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолият йўналишлари (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий) фаолиятни ривожлантириш принципларига (ижтимоий йўналганлик, ихтиёрийлик, ташаббускорлик, эркин шакл, индивидуаллик) мос режалаштириш босқичлари (ташкилий-тарбиявий, ижтимоий фаоллик, ҳамкорлик) мазмунини очиқ бериш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятни инновацион ривожлантириш тузилмаси мақсадга йўналтирилган процессуал блок (ижтимоий-илмий ташкилотчилик, педагогик амалиёт, истикболли, кўрғазмали, анъанавий) таркибига фаоллаштириш методлари (“Маънавий аудит”, “Корпоратив имидж”)ни киритиш асосида ишлаб чиқилган;

маънавий-маърифий фаолиятнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлари таҳлил босқичларида (ташкилий, режалаштириш ва натижа) маънавиятни юксалтириш кўрсаткичлари (миллийлик, ахлоқий-эстетик, тарихийлик, таълимий-тарбиявий) таъсирига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг маънавий-маърифий фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар инновацион педагогик (шахсга йўналтирилган, ҳамкорлик, истикболли-илғор, ривожлантирувчи) таълим ёндашувлари ҳамда мотивацион-қадриятли, ҳаракатли-ижодий, креатив-ижодкорлик компетенциявий талабларни ўзаро интеграциялаш асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларини маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ва асослаб берилган ҳамда унинг амалиётга тадбиқ этишнинг яхлит механизми тавсия этилган;

“маънавият”, “маърифат”, “фаолият”, “маънавий-маърифий фаолият”, “инновация” каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида ёритилган;

бўлажак ўқитувчиларни инновацион технологиялар асосида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотининг назарий-методологик асослари, унга мос даражадаги методлар ва тадқиқот методикалари мажмуасининг, замонавий математик-статистика усулларининг ишончлилиги ва самарадорлиги ҳамда эмпирик тадқиқот натижаларини тўғри талқин қилиниши билан таъминланган. Маълумотларни қайта ишлаш математик-статистика методларини самарали қўллашни таъминловчи стандарт дастурий воситаларда амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни инновацион технологиялари асосида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг асосий методологик принциплари, йўналишлари ҳамда қодалари такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни инновацион ёндашув асосида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш методик тизимининг ишлаб чиқилган моделидан олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолиятни ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион ёндашув асосида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ҳамда маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёни ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларидан “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Ижтимоий педагогика”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Оила педагогикаси” каби фанлар бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолият йўналишлари (иктисодий, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий), фаолиятни ривожлантириш принциплари (ижтимоий йўналганлик, ихтиёрийлик, ташаббускорлик, эркин шакл, индивидуаллик), режалаштириш босқичлари (ташкилий-тарбиявий, ижтимоий фаоллик, ҳамкорлик)га оид материаллар, таклиф ва хулосалардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 январдаги 50-сон буйруғи асосида ишлаб чиқилган тавсиялар, шунингдек, ёшларни давлат рамзларига бўлган ҳурмат, ислохотларга бўлган дахлдорлик туйғуси асосида тарбиялаш, Ватанига, халқига, Президентига садоқатли фарзандлар бўлиб вояга етишиши каби фазилатларни сингдириш учун фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 89-03-656-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг давлат рамзларига бўлган ҳурмати ва эътиборини ошириш орқали уларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш тизимининг натижадорлигига эришилган;

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолият йўналишлари (иктисодий, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий), фаолиятни ривожлантириш принциплари (ижтимоий йўналганлик, ихтиёрийлик, ташаббускорлик, эркин шакл, индивидуаллик), режалаштириш босқичлари (ташкилий-тарбиявий, ижтимоий фаоллик, ҳамкорлик) мазмунига оид таклиф ва хулосалардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 январдаги 50-сон буйруғи асосида ишлаб чиқилган тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 89-03-656-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак

ўқитувчиларнинг давлат рамзларига бўлган ҳурмати ва эътиборини ошириш орқали уларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш тизимининг натижадорлигига эришилган;

бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятни инновацион ривожлантириш тузилмаси мақсадга йўналтирилган процессуал блок (ижтимоий-илмий ташкилотчилик, педагогик амалиёт, истиқболли, кўргазмали, анъанавий) таркиби, фаоллаштириш методлари (“Маънавий аудит”, “Корпоратив имидж”), маънавий-маърифий фаолиятнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлари, таҳлил босқичларида (ташкилий, режалаштириш ва натижа) маънавиятни юксалтириш кўрсаткичлари (миллийлик, ахлоқий-эстетик, тарихийлик, таълимий-тарбиявий) таъсирига доир таклифлардан АИФ 2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 89-03-656-сон маълумотномаси). Натижалар олий таълим тизимида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион технологиялари манбаларини ва ресурсларини кенгайтириш учун хизмат қилган;

талабаларнинг маънавий-маърифий фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар, инновацион педагогик (шахсга йўналтирилган, ҳамкорлик, истиқболли-илғор, ривожлантирувчи) таълим ёндашувлари, мотивацион-қадриятли, ҳаракатли-ижодий, креатив-ижодкорлик компетенциявий талабларни ўзаро интеграциясига оид тақрифлардан 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 89-03-656-сон маълумотномаси). Натижалар бўлажак ўқитувчиларни инновацион технологиялар асосида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг ҳажми 125 саҳифани ташкил қилади. Диссертация матни кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида маънавий-маърифий фаолият тушунчасининг фалсафий, ижтимоий-педагогик мазмун-моҳияти, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлаш педагогик муаммо сифатида таҳлил қилинган, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлаш амалдаги ҳолати ва такомиллаштириш йўллари аниқланган.

XXI асрда Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – бу озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Албатта ушбу ғояни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлар билан бир қаторда маънавий-маърифий соҳа ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий фаолият самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарорининг қабул қилиниши муносабати билан кейинги йилларда маънавият ва маърифат масаласига эътибор кучайди.

Маърифат тушунчаси эса ҳаракатни ифодалаб, арабча – «билмоқ» деган маънони беради. Таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият «маърифат» сўзининг луғавий мазмунини ташкил қилади. тнинг, давлатнинг куч-қудрати, миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзликимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида эътироф этилиб, ривожланиб бормоқда.

Маърифат – бу кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти давомида аждодлар томонидан тўпланган билимларни келажак авлодга етказиб беришга қаратилган таълим-тарбиявий жараён дир. Шу жиҳатдан маънавият билан маърифат тушунчаларини бир-биридан ажратиш қийин масала ҳисобланади.

Маънавият ва маърифатнинг инсон камолоти, ижтимоий-сиёсий тараққиётдаги аҳамияти жуда катта. Чунки, маънавият ва маърифат тушунчалари шаклланган инсоннинг дунёқараши ўзгариб, унинг фаолият мазмуни истиқлол тақдири, халқнинг маънавий камолотини юксалтириш, миллий маънавиятни раванқ топтириш, халқ маърифатини ривожлантириш ҳамда жаҳон халқлари тафаккури маҳсулидан баҳраманд бўлиш, мамлакатда маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш каби вазифаларни

ўзининг асосий фаолият мазмуни деб билади. Шунинг илобатга олсак, маънавий-маърифий мазмун фаолиятда амалга ошади.

“Фаолият – бу шахсининг у ёки бу ҳаракати тушунилиб, ушбу ҳаракат маълум аниқ мақсадга қаратилган жараёндир. Фаолият кишининг англанган мақсад билан бошқариб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир”.

Фаолиятнинг асосий хусусияти шундан иборатки, у фаоллик манбаи бўлган эҳтиёж сифатида юзага чиққан ҳолда фаолликнинг йўналтирувчиси ҳисобланган англанган мақсад билан фарқланади. Фаолият шахсининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли ҳаракатлардир.

“Маънавият”, “маърифат” ва “фаолият” тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Улар биргаликда яхлит бир тушунча “маънавий-маърифий фаолият” ни ташкил қилади.

Маънавий-маърифий фаолият - маънавий илдизларини ҳис этиш, миллий ғурур ва ўзлигини англашга, уларнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшадиغان ҳиссаларини оширишга хизмат қилувчи манба демакдир.

Ҳозирги шароитда республикамизда бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш механизмини яратиш олий педагогика илм масканлари олдида турган энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашда ўқув жараёнига касбий маънавий сифатларнинг киритилиши ҳамда уларнинг касбий қобилиятини маънавий шакллантириш лозим бўлади. Бўлажак ўқитувчиларда маънавий маърифий ишларни ташкил этишни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Улар:

- маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг назарияси ва амалиёти орасидаги педагогик-психологик зиддиятни бартараф этиш;

- талабаларнинг бўш вақтини фойдали ташкил қилишга қаратилган тарбиявий, маънавий- маърифий ишларнинг янги тизимини ишлаб чиқиш;

- талабалар касбий маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этишнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- мазкур таълим йўналишида олий таълим муассасаси ва оила, маҳалла ҳамкорлигининг самандорлигини ошириш;

Миллий қадриятлар, миллий ўзликни англаш, миллий ғоя, маънавий-ахлоқий тарбия, аждодларимизнинг бебаҳо мероси кабилар маънавий-маърифий фаолиятнинг асосини ташкил этади.

Маънавий-маърифий фаолият ишларининг моҳияти бу - маънавият илдизларини ҳис этиш, миллий ғурур ва ўзлигини англашга, уларнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшадиغان ҳиссаларини оширишга хизмат қилувчи манба демакдир.

Олиб борган илмий таҳлилларимиз бугунги кунда Олий ўқув юртларида маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этишда бир қатор вазифаларни амалга оширилиши, жумладан, миллий ғоя моҳияти ва унинг мазмуни, тарихий шакллари, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсирини очиб бериш,

маънавий-маърифий фаолиятни бошқаришнинг назарий, ижтимоий-педагогик ва амалий-услубий асосларини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёрлашда маънавий-маърифий фаолиятнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш, ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатиб берди.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасаларида талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашнинг мазмуни, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион метод ва воситалари ҳамда шакллари ёритилган.

Тарбияни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш принципи талабалар, ўқитувчи - тарбиячилар ижодий фаоллик ва мустақиллигини ривожлантириши, уларни турли хил ижтимоий фойдали ишларни амалга оширишда ҳамкорлигини таъминлаш учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Талаба-ёшларда ижодий фаоллик, ақлий заковат, ахлоқий салоҳият, илмий дунёқарашни шакллантириш, уларни кенг қамровли ижтимоий-фойдали ишларга фаол иштирок этишларини шакллантириш учун, олий таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавий-маърифий фаолиятнинг алоҳида ўрни бор.

Дарҳақиқат, олий таълим тизимида маънавий-маърифий фаолият ҳам маълум принципларга амал қилади. Маънавий-маърифий фаолият принциплари - бу таълим муассасаларида баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида ташкил этиладиган маърифий тадбирларнинг йўналишига, мазмунига, методлари ва ташкилий шаклларига, тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларига кўйиладиган асосий талабларга амал қилишни ифодаладиган коидалардир.

Маънавий-маърифий фаолият принциплари ўқитувчи-тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи талаблар, қоидалар йиғиндиси ҳисобланиб, у баркамол инсонни тарбиялашнинг вазифалари билан белгиланади ва умуминсоний тарбия тўғрисидаги таълимотга ҳамда илмий педагогик маълумот эришган ютуқларга асосланиб, унинг қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун маънавий-маърифий фаолият жараёнида бу принципларга риоя қилиш унинг самарадорлигини оширади, сифат кўрсаткичини ривожлантиради.

Ҳозирги замон жаҳон ва миллий педагогика назарияларига асосланиб, маънавий-маърифий фаолият принципларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- маънавий-маърифий фаолиятнинг ижтимоий йўналганлик принципи;
- ихтиёрийлик, мустақиллик, ижодий-дидактик ўйин ва романтика принципи;
- ишда ижодкорлик, ташаббускорлик, янгиликка интилиш нуқтаи назаридан ёндашиш принципи;
- маънавий-маърифий фаолиятнинг режалилиги ва тадбирларнинг талаба-ёшларлар кучига мос бўлишини таъминлаш принципи;

- маънавий-маърифий фаолиятнинг мунтазамлиги, давомийлиги, узвийлиги ва таъсирчанлиги принципи;

- маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этишда тарбияланувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш принципи.

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолиятнинг **мақсади** халқимизнинг миллий меросига ворислик ва умумбашарий бойлигини ижро эта оладиган, қадрлайдиган ахлоқли, маданиятли баркамол шахсни шакллантиришдир.

Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун ҳамда бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион технологиялар асосида тайёрлаш жараёнини қуйидагича ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир:

- мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини бўлажак мутахассисларга самарали етказиш;

- олий таълим муассасалари ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

- олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолият ва уни шакллантириш механизмини, бўлажак мутахассислар маънавиятини шакллантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш;

- ёшларни миллий ғоя, мафкура, ўз-ўзини англаш, қадриятлар руҳида шакллантирувчи миллий тарбия концепциясини ишлаб чиқиш;

- маънавий-маърифий фаолиятни дарс машғулотларининг давоми сифатида ташкил қилиб, унинг йўналишини ўқув вазифаларини бажаришга бўйсундириш узвийлигини таъминлаш.

Мазкур концептуал ёндашувдан келиб чиққан ҳолда биз бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш моделини ишлаб чиқдик (1-расм):

**Фаоллаштириш методлари:** суҳбатлар, ижодий мунозаралар, муаммоли таълим ва тарбия элементларидан фойдаланиш, тажриба алмашиш ва бошқалар. Худди шунингдек, бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш, туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида ташкил қилинадиган тадбирлар (семинар, илмий-амалий конференция, маслаҳат, учрашувлар), маънавий-маърифий фаолият жараёнларини камраб олади.

Олий таълимда маънавий-маърифий фаолиятни ташкил этиш жараёнида аудиториядан ташқари машғулотларда фойдаланиладиган инновацион усуллардан бири – лойиҳаловчи ўйин асосида ташкил этиладиган “Маънавий аудит” ва “Корпоратив имидж” методларидир.

“Маънавий аудит” лойиҳалаштирувчи ўйин методи асосан аудиториядан ташқари машғулот жараёнида давра суҳбати шаклида ташкил этилади. Талабаларга музокара учун “Олий таълимнинг ижтимоий масъулиятини қандай йўллар асосида ошириш мумкин?”, “Таълим муассасаси


талабаларнинг ахлоқий дунёқарашига ва тарбиясига масъулми?”, “Олий таълимнинг обрўси ва имиджини қандай йўллар билан ошириш мумкин?”, “Маънавий-маърифий тарбияга таъсир этувчи омиллар нима?” каби саволлар берилди. Музокара тугагач 2-вазифага ўтилади. Ушбу вазифа бўйича талабалар бериладиган саволларга аниқ жавоб бериши керак: “Сиз таҳсил оладиган олий таълим муассасасида маънавий-ахлоқий тарбияга зид ҳолатлар учрайдими?”, “Таълим муассасаси раҳбарияти экологик муҳитни яхшилаш борасида (ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ландшафт дизайни) ишларни амалга оширадими?” каби. 3-вазифа юзасидан талабалар “Олий таълимнинг ижтимоий масъулияти” мавзусида 5-кунлик семинар дастурини ишлаб чиқиши, унда қуйидагилар акс этиши лозим: таълим мақсади; таҳсил олувчилар компетентлиги; таълим давомийлиги (машғулот учун зарур соатлар); машғулот мавзулари; таълим шакли ва технологиялари; яқунловчи жараён (баҳолаш)шакллари.

“Корпоратив имидж” лойиҳалаштирувчи ўйин методи (веб-серфинг) жараёни аудиториядан ташқари дарс жараёнида экскурсия шаклида ташкил этилади. Талабалар маънавий-маърифий фаолиятни ташкил қилишга самарали фойда келтирадиган учта ташкилотда бўлишлари керак. Ушбу ташкилотларнинг иш фаолияти, раҳбарияти, мутахассислари билан суҳбатлашадилар. Экскурсия якунида талабалар қуйидаги саволларга жавоб беришади: 1.Ташриф буюрган ташкилотларингиз сизда қандай таассурот қолдирди? 2. Таъсуротларингизга қандай омиллар таъсир қилди? 3. Экскурсиядан олдинги ва ҳозирги жараёни бир-бири билан солиштиринг ҳамда маънавий-маърифий соҳадаги билимларингизга ушбу экскурсия таъсири бўлди? 4. Келажакдаги фаолиятларингиз жараёнида ушбу ташкилотлардан олган таассуротларингизнинг ўрни борми? 5. Келажакда шу каби ташкилотларда иш фаолиятингизни давом эттирмақчимисиз? 6. Ушбу саволлар асосида талабалар ўз таклиф-мулоҳазаларини ёзма равишда баён қилишлари лозим.

Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ташкил этиладиган инновацион методларнинг аҳамияти шундаки, уни ташкил этиш жараёнида талабаларнинг таълимий ва тарбиявий фаолликлари ошади, ўзаро тажриба алмашадилар, истикбол режаларини олдиндан башоратлайди, аҳамият берилиши зарур бўлган жихатлардан хабардор буладилар.

Биз юқоридаги таклифларга асосланиб, олий таълимда маънавий-маърифий фаолият олиб боришнинг намунавий тузилмасини ишлаб чиқдик (2-расмга қаранг).

Маънавий - маърифий фаолият кенг қамровлидир, зеро, маънавият ва маърифат - Олий кадрият. У халқимизнинг урф - одатларини, алломаларинин сермазмун таълимотларини, тарихий миллий қахрамонларимизнинг ҳаёт йўлини, истиклол, эрк учун курашганлар, забун бўлганларнинг машаққатли турмуш саҳифаларида ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам у Олий кадрият. У ўз йўналишларига кўра комил инсонни тарбиялаш каби буюк мақсадни амалга оширади.



1-расм. Бўлажак ўқитувчиларда маънавий-маърифий фаолиятни инновацион технологиялар асосида ривожлантириш тузилмаси.

Мақсадли буюртма	Тадбирлар	Қўтилаётган натижа
<p>Мақсад: Инсонпарвар маънавиятли шахсни вояга етказиш, таълим-тарбия тизимига маънавий-маърифий фаолиятнинг илмий-назарий асосларини сингдириш, уни методик жиҳатдан таъминлаш ҳамда улар асосида муайян тадбирларни ўтказиш</p>	<p>Дарс жараёнида, дарсдан ташқари тадбирларда таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, ёшлар маънавияти, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш</p>	<p><u>Ҳар томонлама ривожланган, баркамол маънавий шахс-комил инсонга эга бўлиш:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Инсонпарварлик ва интеллектуаллик-заковатлилик</li> <li>2. Ватанпарварлик</li> <li>3. Хушфезъллик</li> <li>4. Эстетик (нафосат) тарбияланганлик</li> <li>5. Оила маънавияти</li> <li>6. Миллий урф-одатларимизни кадрлаш</li> </ol>

## 2-расм. Олий таълимда маънавий-маърифий фаолиятни олиб боришнинг намунавий тузилмаси

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашнинг тажриба-синов ишларини ташкил қилиш**” номли учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашнинг тажриба-синов ишлари муайян дастур асосида олиб борилди.

Олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш соҳасида ташкил этилган амалий фаолият учун объект (тажриба майдони) сифатида Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институтлари танланди. Мазкур олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг 538 нафари тажриба-синов ишлари учун респондент этиб белгиланди ва улар мақсадли равишда 262/276 нафар тарзида тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий фаолият мазмуни назарий жиҳатдан таҳлил этиш натижалари шундан далолат бердики, мазкур фаолият натижасида талабаларда тарбиявий сифатларни такомиллаштириш имконини беради.

Бу борада олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар режасидаги мавзуларнинг талабалар ўзлаштирганлик даражаларига қараб

ушбу йўналиш бўйича талабаларнинг тайёргарлик даражасини ривожлантириш имконияти юқори даражада эканлиги аниқланди.

Тадқиқот жараёнида тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад - олий таълим муассасаларининг таълим-тарбиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарурлиги аниқланди:

1. Талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнига оид тушунчалар ва уларга эга бўлишнинг имкониятларини ўргатиш.

2. Талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини ривожлантиришга ёрдам бера оладиган омиллар тўғрисида маълумотларни бериш.

3. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини ривожлантириш моҳиятини назарий жиҳатдан англанишига эришиш.

4. Талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган амалий фаолиятни ташкил этишларини таъминлаш.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тажриба-синов ишларини ташкил этишда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини белгилашга муваффақ бўлинди. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1) педагогик кузатув, суҳбат, учрашув, анкета ҳамда тест сўровларни ташкил қилиш, давра суҳбати, интервью олиш, конференция, семинар, дебат, амалий тренинг, кўргазмалар ташкил этиш, экскурсия, танлов, маъруза кабилар;

2) ҳикоя, тушунтириш, суҳбат, кўргазмалилик, амалий машғулот, экскурсия, намойиш этиш, “Ақлий ҳужум”, “Фикрларнинг шиддатли ҳужуми”, “Кластер”, “Мунозара”, “Муз ёрар”, “бхбхб”, “Инсерт”, “ФСМУ”, “Кейс-статии” каби интерфаол методлар;

3) маънавий-маърифий тадбирлар маърузалар, суҳбатлар, китобхонлар конференциялари, баҳс-мунозаралар, учрашувлар, конкурслар спорт мусобақалари, театрлаштирилган кечалар, саёхатлар, тўғарақлар, шанбалиқлар каби шаклларда ташкил қилиш;

4) ўқув манбалари, илм-фан, техника, технология ва маданият соҳаларида эришилган ютуқлар борасида маълумотлар берадиган илмий, фалсафий ҳамда бадиий йўналишларда яратилган асарлар, миллий қадриятлар, миллий-маданий мерос намуналари, ўқув ва техник жиҳозлар, ахборот технологиялари каби воситалар.

Шундай қилиб, олий таълим муассасалари талабаларида маънавий-маърифий фаолиятга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган тажриба-синов ишлари самарали якунига етди. Тажриба гуруҳлари иштирокчиларининг маънавий-маърифий фаолиятга оид тайёргарликлари даражаси юқори бўлиб, биз олиб борган методиканинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Тажриба якунида эса олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришни давр талаблари асосида таъминлаш учун ўтказилган тажриба-синов натижалари қуйидагича (1-жадвал) кўринишни олди.

**1-жадвал.**

**Ўтказилган тажриба-синов натижалари**

Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари	Тажриба гуруҳида $m=262 X_i$		Назорат гуруҳида $n=276 Y_i$	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Юқори	76 (29%)	97 (37 %)	64 (23%)	67 (24,2%)
Ўрта	89 (34%)	118 (45%)	97 (35%)	107 (38,7%)
Қуйи	97 (37%)	47 (18%)	115 (41,6%)	102 (37%)


Ушбу маълумотларни математик - статистик таҳлил қилишчун Стъюдент-Фишер методитанланди.

Тажриба ва назорат синфидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2 – танланмалардеб олсак, қуйидаги вариацион қаторга эга бўламиз.

1 –танланма  $X_i$ : юқори; ўрта; қуйи;  
(тажриба гуруҳи)  $t_i$ : 97; 118; 47;  
 $t=262$

2 – танланма  $Y_i$ : юқори; ўрта; қуйи;  
(назорат гуруҳи)  $n_i$ : 67; 107; 102.  
 $n=276$

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз (3-расм):



**3-расм. Талабаларини маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини ривожланганлик даражаси диаграммаси**

Кўрсатилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда  $M_T=5$  ва  $M_H=3$ , яъни улар

орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб,  $M_T > M_H$  экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам  $X > Y$  шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{262} (97 \cdot 5 + 118 \cdot 4 + 47 \cdot 3) = \frac{1}{262} (485 + 472 + 141) = \frac{1098}{262} = 4,1$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{276} (67 \cdot 5 + 107 \cdot 4 + 102 \cdot 3) = \frac{1}{276} (335 + 428 + 306) = \frac{1069}{276} = 3,8$$

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум  $\bar{X} = 4,1$ ;  $\bar{Y} = 3,8$ ;  $\Delta_m = 0,05$ ;  $\Delta_H = 0,07$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{\bar{X} - \Delta_m}{\bar{Y} + \Delta_H} = \frac{4,1 - 0,05}{3,8 + 0,07} = \frac{4,05}{3,87} = 1,04 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_H) = (4,1 - 0,05) - (3,8 - 0,07) = 4,05 - 3,87 = 0,18 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи натижалари назорат гуруҳидагилардан юқори экан.

## ХУЛОСА

1. Мамлакатда илм-фанни ривожлантириш ва таълим ислоҳотини чуқурлаштириш шароитида бўлажак олий маълумотли мутахассисларнинг назарий ва амалий тайёргарликлари билан бирга уларда маънавий-маърифий фаолиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик заруриятга айланганлиги аниқланди.

2. Маънавий-маърифий фаолият ўз мазмун-моҳияти билан шахс ижобий сифатлари ҳисобланган эътиқод, хулқ-одоб, дид, нафосат, ақл-заковатни ўзида мужассамлаштирган жараён бўлиб, унинг ривожланиши ва такомиллашиши мумкинлиги назарий-амалий жиҳатдан асосланди.

3. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион ёндашув асосида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашнинг назарий-амалий жиҳатлари ҳамда педагогик ва методик тизими аниқланди.

4. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашга қаратилган жараённи ривожлантириш мақсадли, ўз мақомига етиши учун муайян принципларга таяниши лозимлиги аниқланди. Тадқиқот

жараёнида ушбу принциплар ишлаб чиқилиб, уларга асосланган ҳолда маънавий-маърифий фаолият амалга оширилди.

5. Маънавий-маърифий фаолиятнинг педагогик технологияларга асосланган замонавий шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилиб, улар ўқув-тарбия жараёнида самарали қўлланилганлиги сабабли кўзланган натижани бериши аниқланди.

6. Маънавий-маърифий фаолиятнинг ривожланиши миллий ғоя, миллий истиқлол мафкураси билан узвий боғланган бўлиши кераклиги жамият томонидан илгари сурилган муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

7. Тадқиқот жараёнида ушбу қонуниятга асосланганлиги ҳамда миллий ғоя, миллий мафкуранинг таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришда устуворлигини таъминлашга эришилганлиги тадқиқотда илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри белгиланганлигини тасдиқлади.

8. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-маърифий фаолиятга инновацион тайёрлашга қаратилган жараённи ривожлантиришда олий ўқув юртида ташкил қилинадиган маънавий-маърифий ишларнинг имконияти чексизлиги инобатга олиниб, бу ишлар мазмунидан талабаларга маънавий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик, ақлий, ҳуқуқий билим, кўникма, малакаларни ривожлантиришга кўмаклашувчи мавзуларни танлаш ва уларни илғор педагогик технологиялар асосида ўтказиш самарали натижаларга олиб келиши исботланди.

9. Олий таълим муассасаларида амалга оширилган тажриба-синов натижалари маънавий-маърифий фаолиятни ривожлантиришни муайян режа, аниқ педагогик шарт-шароитларга таянган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1) олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолиятни ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва таълим ислоҳотлари талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш;

2) маънавий-маърифий фаолият мазмуни бўйича бўлажак ўқитувчиларни инновацион ёндашув асосида маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлашга қаратилган жараённи ривожлантириш йўл харитасини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш;

3) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий фаолият – бадий кеча, заковат, қувноқлар ва зукколар, суҳбат, баҳс-мунозара, маънавият соатлари ва кунлари, анжуманлар, кўрик танловлар, мусобақалар, фахрийлар билан учрашувлар, спорт ишларини инновацион технологиялар асосида ташкиллаштириб, мазмунида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодалашга эришиш;

4) тадбирлар мазмунидаги маълумотлар асосида талабаларда ақл-заковат, илму-ҳикмат, фаҳм-фаросат, хулқ-одоб, меҳнатга, меҳнат аҳлига муҳаббат ва ҳурматни ифодаловчи тарбиявий тушунчаларни ифодаланишига эътибор қаратиш;

5) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий фаолият мазмунини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшларни маънавиятини ривожлантириш бўйича 5 та муҳим ташаббуси доирасида ташкил қилиш ва ўтказишга эришиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**РАХИМОВ АСАМИДДИН АНОРБОЕВИЧ**

**ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ К ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Самарканд – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан (рег. № №В2019.4.PhD/Ped1171)**

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.  
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Олимов Ширинбой Шарофович</b> доктор педагогических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Хасанова Кибриё</b> кандидат педагогических наук, профессор <b>Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич</b> доктор педагогических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Джизакский государственный педагогический институт</b>

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87; e-mail:samdu\_ped\_kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (рег. № \_\_\_\_). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Х.И.Ибраимов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.п.н. (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мировой практике особое внимание уделяется эффективному использованию в развитии страны уникальной национальной духовности и качеств разных наций и народов, сформировавшихся веками. В связи с этим включение в учебную программу особенностей исторического и социально-экономического развития, богатого культурного наследия и традиций с учетом влияния духовных ценностей на жизнь общества продвинутыми высшими учебными заведениями считается важным фактором обеспечения эффективности подготовки учителей.

Создание научно обоснованной системы радикального изменения и развития образовательного процесса в мире остается актуальным. В частности, исследования передовых педагогических подходов и технологий сфокусированы на развитии социальной сферы и инновационной подготовке будущих учителей к духовно-образовательной деятельности, образовательной эффективности Принстонского университета (США), Манчестерского университета (Великобритания), Национального совета по педагогическим технологиям (Великобритания), Белфилда. Он проводится в престижных научно-образовательных центрах, таких как Педагогический университет (Германия), Инновационный информационно-методический центр образовательных технологий (Россия) и Сеульский кибер университет (Южная Корея), и дает значительные практические результаты.

Проводимые реформы в развитии системы высшего образования и повышении качества образования с учетом потребностей социальной сферы и экономики, эффективной организации научной и инновационной деятельности расширяют возможности инновационной ориентации студентов на духовно-просветительскую деятельность. Концепция развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года ставит такие задачи, как «укрепление духовно-нравственного содержания высшего образования, инновационная деятельность, повсеместное внедрение результатов исследований, повсеместное внедрение передовых педагогических технологий, учебных программ и учебных материалов на основе международных образовательных стандартов»<sup>2</sup>. В связи с этим важно проанализировать теоретико-методологические основы духовно-воспитательной деятельности в высшей школе, выявить инновационные технологии подготовки будущих учителей, разработать информационно-методическое обеспечение процесса духовно-воспитательной деятельности. УП-4947 Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития

---

<sup>2</sup> УП Президента Республики Узбекистан ПФ-5847 от 8 октября 2019 года “Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” Сборник документов закон Республики Узбекистан, 09.10.2019 г., № 06/19/5847/3887,1-статья.

